“APPROVED”
By the Minutes of Extraordinary
General Meeting of Shareholders
of “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals”
JSC dated 30 August 2022

«Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals» АЖ
акциядорларининг 30 август 2022 йилдаги
2-сонли навбатдан ташқари
умумий йиғилишида
«ТАСДИҚЛАНГАН»

# REGULATIONS ON THE SUPERVISORY BOARD OF JOINT-STOCK COMPANY “INDORAMA KOKAND FERTILIZERS AND CHEMICALS”

# «INDORAMA KOKAND FERTILIZERS AND CHEMICALS» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Kokand, 2022

Қўқон ш, 2022й

## TABLE OF CONTENTS / МУНДАРИЖА


I. GENERAL TERMS AND CONDITIONS / Умумий қойидалар…………………... 3

II. COMPETENCE OF THE SUPERVISORY BOARD / ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ ……………………………………………………. 3

III. ELECTION, APPOINTMENT AND EARLY TERMINATION OF THE AUTHORITY OF THE MEMBERS OF THE SUPERVISORY BOARD / ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТАРКИБИ, АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ ВА УЛАРНИ ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТДАН ОЛДИН ТУГАТИШ. 6

IV. CHAIRMAN OF THE SUPERVISORY BOARD / ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ РАИСИ………………………………………………………. 8

V. MEETING OF THE SUPERVISORY BOARD / ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ………………………………………………………. 8

VI. RIGHTS AND OBLIGATIONS OF MEMBERS OF THE SUPERVISORY BOARD / ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ ……………... 10

VII. LIABILITY OF MEMBERS OF THE SUPERVISORY BOARD / КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ …………………... 11

VIII. PROCEDURE FOR DETERMINING THE REMUNERATION AMOUNT OF MEMBERS OF THE SUPERVISORY BOARD / КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА ИШ ХАҚИ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ ……… 12

IX. FINAL PROVISIONS / ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР……………………… 12

## I. General terms and conditions

1. The present Regulations on the Supervisory Board (hereinafter referred to as "Regulations") of "Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" JSC (hereinafter referred to as **Company**) were designed in compliance with Law of the Republic of Uzbekistan "On joint-stock companies and protection of shareholders' rights", Law of the Republic of Uzbekistan dated March 29, 2022 No. 760 "On amendments and additions to certain legislative acts of the Republic of Uzbekistan in connection with the improvement of the corporate governance system", the Charter of the Company and shall determine the legal status and operating procedures of the Supervisory Board of the Company.

2. The supervisory board of the company carries out general management of the company, with the exception of resolving issues referred by the Law Republic of Uzbekistan "On the Protection of Joint-Stock Companies and Shareholders' Rights" and the charter of the company to the competence of the General meeting of shareholders.

3. The division of functions among the members of the Supervisory Board is exercised by the chairman of the Supervisory Board for each member of the Supervisory Board.

## II. Competence of the supervisory board

4. The competence of the Supervisory Board of the Company includes:

- determination of priority directions of the Company's activity with regular hearing of the reports of the Executive body of the Company on measures taken to achieve the aims set in development strategy of the Company;

- convocation of annual and extraordinary General Meetings of Shareholders, except for cases stipulated by Article 65 (part 11) of the Law of the Republic of Uzbekistan" On joint-stock companies and protection of shareholders' rights";

- preparation of the agenda of the General Meeting of Shareholders;
- determination of the date, time and place of the General Meeting of Shareholders;
- determination of the date of formation of the register of shareholders of the Company for notification of the General Meeting of Shareholders and participation in the General Meeting of Shareholders;

- bringing in for the decision of the General Meeting of Shareholders issue of making amendments to the Company's Charter or approval of a new edition of the

## I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги 760-сонли "Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни ва жамият Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда "Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals" АЖ нинг Кузатув кенгаши мақомини, вазифаларини, ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилайди.

2. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

3. Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифалани тақсимлаш Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун кузатув кенгаши раиси томонидан амалга оширилади.

## II. Жамият Кузатув Кенгашининг ваколатлари.

4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:
- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- акцядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамият уставининг янги тахририни тасдиқлаш тўғрисидаги масалани

Company's Charter;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

- setting the market value of the property;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- appointment of a corporate consultant and approval of rules determining the order of his activities;

- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш,

- approval of the Company's annual business plan. Whereby, the Company's business plan for the next year should be approved at a meeting of the Supervisory Board no later than December 1 of each current year;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

- establishment of internal audit service and appointment of its employees, as well as quarterly hearing of its reports;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- conducting an audit (with the exception of a mandatory audit), identifying an audit organization, deciding on the maximum fee to be paid for its services and concluding a contract with it (cancellation of the contract);

- аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- giving recommendations on the amount of remuneration and compensation paid to members of the Company's audition committee;

- жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

- giving recommendations on the size of the dividend, the form and procedure for its payment;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- use of reserve and other funds of the Company;

- жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- establishment of branches and opening of representative offices of the Company;

- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- the creation of subsidiaries and associated companies

- жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

- conclusion of transactions related to the participation of the Company in other commercial and non-commercial organizations in accordance with the procedure established by the Legislation

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш;

- making a decision on the redemption of the company's corporate bonds.

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

- making a decision on issues related to the increase of the Company's authorized fund, as well as issues related to the introduction of amendments to the Company's Charter related to the increase of the authorized fund and the reduction in the number of authorized shares of the Company;

- жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

- determine the price of placement (placing on the exchange and organized over-the-counter securities market) of shares in accordance with Article 34 of the Law of the Republic of Uzbekistan “On Joint Stock Companies and Protection of Shareholder’ Rights”;

- Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (биржа ва уюшган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозори савдосида) нархини белгилаш;

- making a decision on the issue of Company's corporate bonds, including that convertible into shares;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- making a decision on the issue of derivative securities;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- the conclusion on behalf of the Company of a labor contract for the employment of the head of the Executive body for a period of 3 (three) year;

- жамият номидан ижро органи раҳбарини 3 йил муддатга ишга қабул қилиш тўғрисида меҳнат шартномасини тузиш;

- making a decision on a major transaction, the subject of which is property with the book value or purchase price ranging from fifteen to fifty percent of the net assets of the Company as of the date of the decision to conclude such a transaction in accordance with Chapter 8 of the Law of the Republic of Uzbekistan “On Joint Stock Companies and protection of shareholders' rights”, in this case, it is adopted unanimously by the members of the supervisory board of the Company.

- Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 8-бобига мувофиқ баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш; бунда, жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

- access to any documents relating to the activities of the Executive body of the Company, and obtaining them from the Executive body to perform the duties assigned to the Supervisory Board. The received documents can be used by the Supervisory Board of the Company and its members exclusively for business purposes;

- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- making a decision on the transaction with an affiliated company in accordance with Chapter 9 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On Joint Stock Companies and Protection of Shareholder Rights";

- Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 9-бобига мувофиқ жамиятнинг аффилланган шахси билан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- approval of the List of information constituting the commercial secret of the Company;

- жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхатини тасдиқлаш;

- making decisions on the acquisition of shares, bonds and other securities placed by the Company in cases provided for by law, if in accordance with the decision of the General Meeting of Shareholders such a right is granted;

- қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан жойлаштирилган акцияларни, облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, агар акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ унга шундай ҳуқуқ берилган бўлса;

- approval of the resolution on the issue of securities (shares, bonds) and the issue prospectus;

- қиматли қоғозлар (акциялар, облигациялар) чиқариш тўғрисидаги қарорни ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

- making amendments and / or supplements to the decision on the issue of securities (shares, bonds) and the issue prospectus;

-

- қиматли қоғозлар (акциялар, облигациялар) чиқариш тўғрисидаги қарорга ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар киритиш;

- approval of the Regulations on the information policy;

- ахборот сиёсати тўғриидаги Низомни тасдиқлаш;

- attraction on the basis of competition of an independent organization for the assessment of the corporate governance system in the Company;
- making a decision on charitable (sponsor) or gratuitous assistance, which amount is less than one percent of the size of the Company's net assets as of the date of the decision.

- жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини бахолаш учун танлов асосида баҳолаш ташкилотини жалб этиш;
- миқдори қарор қабул қилинган санада жамият соф активларининг 1 (бир) фоизидан кам бўлган хайрия (ҳомийлик) ёки текин ёрдам бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

5. The Supervisory Board of the Company for the implementation of the recommendations of the Corporate Governance Code conducts:
- coordination of the activities of the Executive body, the internal control bodies of the Company, collegial bodies established in the Company and, if necessary, the involvement of experts to draw up plans for the development of Company and monitor the achievement of the goals outlined therein;

- coordination of the development, implementation and regular assessment of the compliance of the Company's organizational structure with the requirements of Legislation, as well as to ensure the transition to the publication of annual financial statements in accordance with International Financial Reporting Standards;

- control over the implementation of provisions of the Corporate Governance Code.

5. Корпоратив бошқарув кодексининг тавсияларани амалга ошириш учун Жамият Кузатув Кенгаши қуйидагиларни амалга оширади:
- жамиятнинг ижро этувчи органи, ички назорат органлари, жамиятда ташкил этиладиган коллегиал органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, зарурат туғилганда компанияни ривожлантириш режаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва белгиланган мақсадларга эришишни назорат қилиш учун мутахассисларни жалб қилиш; уларда
- Жамият ташкилий тузилмасининг қонун хужжатлари талабларига мувофиқлигини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мунтазам равишда бахолаш, шунингдек, йиллик молиявий ҳисоботларни Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ нашр этишга ўтишни таъминлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;
- Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларининг бажарилишини назорат қилиш.

6. The competence of the Supervisory Board of the Company may include the resolution of other issues in accordance with the law and the Company's Charter.

6. Жамият кузатув кенгашининг ваколатига қонун хужжатларига ва жамият Уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

7. Issues referred to the competence of the Supervisory Board of the Company cannot be transferred to the Executive body of the Company.

7. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

## III. Election, appointment and early termination of the authority of the members of the supervisory board

## III. Жамият Кузатув Кенгаши таркиби, аъзоларини сайлаш ва уларни ваколатларини муддатдан олдин тугатиш.

8. The members of the Supervisory Board of the company are elected by the General Meeting of Shareholders in accordance with the procedure provided for by Law and the Articles of Association of the company for a period of three years.
9. The Supervisory Board of the Company shall consist of 7 (seven) members.

8. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари Қонун ва жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

9. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолари сони 7 (етти) кишидан иборат.

10. One independent member will be included in the monitoring board of the Company.
In this case, the nomination of an independent member is made by the shareholders.
The criteria for independent members of the Supervisory Board are defined in the Code of Corporate Governance.

10. Жамият кузатув кенгаши таркибига бир нафар мустақил аъзо киритилади.
Бунда, мустақил аъзони кўрсатиш акциядорлар томонидан амалга оширилади.
Кузатув кенгашининг маутақил аъзоларининг мезонлари Корпоратив бошқарув Кодексида белгиланган.

11. Nomination of candidates for membership of the Supervisory Board of the Society shall be carried out in accordance with the procedure established by law.

11. Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига номзодларни кўрсатиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

12. Persons elected to the Supervisory Board of the Company are entitled to be re-elected unrestrictedly.

12. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

13. Members of the board and director of the company, persons working under an employment contract (contract) in its subsidiaries and affiliates, and members of the management bodies of these companies cannot be elected to the supervisory board of the company.

13. Жамият бошқаруви аъзолари ва директори, унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

14. Members of the supervisory board of a company may not be persons working under an employment contract (agreement) in the same company.

14. Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

15. Early termination of the powers of the elected member of the Supervisory Board may be carried out by decision of the General Meeting of Shareholders when the shareholder changes, if the member of the supervisory board violates his duties, if the supervisory board has a relevant statement and for other reasons.

15. Кузатув кенгашининг сайланган аъзосининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш акциядор ўзгарганда, кузатув кенгаши аъзоси ўз мажбуриятларини бажармаганда, кузатув кенгашининг тегишли баёноти ва бошқа асослар мавжуд бўлса, акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан амалга оширилиши мумкин.

16. Persons elected to the Supervisory Board of the Company must have a higher education and practical experience in economic, legal or technical spheres.

16. Жамият Кузатув Кегашига сайланган шахслар олий маълумотга, иқтисодий, юридик ёки техник соҳаларда амалий тажрибага эга бўлиши керак.

17. Elections of members of the Supervisory Board of the Company are carried out by cumulative voting.

17. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

18. In cumulative voting, the number of votes belonging to each shareholder is multiplied by the number of persons who are to be elected to the Company's Supervisory Board, and the shareholder is entitled to give back the votes thus obtained in full for one candidate or distribute them among two or more candidates.

18. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

19. The candidates with the highest number of votes are considered elected to the supervisory board of the company.

19. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

20. By the decision of the General meeting of shareholders, members of the supervisory board of the company may be paid remuneration and / or reimbursed for expenses related to the performance of the functions of members of the supervisory board for the period they perform their duties. The size of such remuneration and compensation is established by decision of the General meeting of shareholders.

20. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

## IV. Chairman of the supervisory board

21. The chairman of the supervisory board of the company is elected by the members of the supervisory board from among its members by a majority of votes of the total number of members of the supervisory board.

22. The supervisory board of the company has the right to re-elect its chairman by a majority of the total number of members of the supervisory board.

23. The chairman of the supervisory board of the company organizes its work, convenes meetings of the supervisory board and presides over them, organizes protocol at meetings, presides at the General meeting of shareholders.

24. In the absence of the chairman of the supervisory board of the company, his/her functions are performed by one of the members of the supervisory board.

## IV. Жамиятнинг Кузатув кенгаши раиси.

21. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

22. Жамиятнинг кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

23. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

24. Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

## V. Meeting of the supervisory board

25. The meeting of the Supervisory Board of the Company is convened by the Chairman of the Supervisory Board on his own initiative, at the request of the Supervisory Board of the Company, the auditing committee, the Executive body or an employee of the internal audit service.

26. A shareholder (shareholders) owning at least one percent of the company's voting shares has the right to demand the convening of a meeting of the company's supervisory board.

27. The procedure for requesting a meeting of the Supervisory Board is carried out in accordance with the law.

28. The quorum for holding a meeting of the Supervisory Board of the Company must be at least seventy-five percent of the number of elected members of the Supervisory Board of the Company.

29. In the event that the number of members of the Supervisory Board becomes less than seventy-five percent of the amount provided for in the Charter, the Company shall convene an extraordinary General Meeting of Shareholders to elect a new composition of the Supervisory Board of the Company. The remaining members of the Supervisory Board are entitled to decide on the convocation of such an extraordinary General Meeting of Shareholders, and to appoint a temporary acting executive body in the event of early termination of the powers of the head of executive body.

## V. Кузатув Кенгашининг мажлиси.

25. Жамият Кузатув Кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан ўз ташаббуси билан, жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси аъзоси, ижроия органи раҳбарининг ёки ички аудит хизмати ходими талабига кўра чақирилади.

26. Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятнинг кузатув кенгаши мажлисини чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

27. Кузатув кенгаши мажлисини ўтказишни талаб қилиш тартиби қонунга мувофиқ амалга оширилади.

28. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашининг сайланган аъзолари сонининг камида 75 (етмиш беш) фоизини ташкил қилиши керак.

29. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

30. The chairman of the Supervisory Board of the Company shall, within three days from the date of receipt of the request to convene a meeting of the Supervisory Board of the Company, consider this requirement and make a decision to hold a meeting of the Supervisory Board of the Company or to refuse to conduct it, in cases established by law.

30. Жамият кузатув кенгашининг раиси жамият кузатув кенгашининг мажлисини чақириш тўғрисидаги илтимоснома олинган кундан эътиборан уч кун ичида ушбу талабни кўриб чиқиши ва жамиятнинг кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт. қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда жамият кузатув кенгашига ёки уни ўтказишни рад етишга ҳақлидир.

31. In the event that a decision is taken to hold a meeting of the Company's Supervisory Board, such a meeting shall be held no later than ten days after the receipt of the request for its conduct.

31. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, бундай йиғилиш уни ўтказиш тўғрисидаги илтимоснома олинган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай ўтказилиши керак.

32.The meeting of the Supervisory Board of the Company shall be convened by the chairman of the Supervisory Board at least once a quarter. At the meeting, the following shall be compulsorily considered:
- report of the Executive body on the implementation of the Company's annual business plan, on the measures taken to achieve the Company's development strategy;
- report of the internal audit service;

32. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади.
Мажлисда қуйидагилар кўриб чиқилиши шарт.
- Ижро органининг жамият йиллик бизнес режасининг бажарилиши, жамиятни ривожлантириш стратегиясияга эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботи;
- жамият ички аудитор хизматини ҳисоботи;

33. Decisions at a meeting of the Company's Supervisory Board shall be made by a majority of attendant members' votes, with the exception of cases provided for by the Law of the Republic of Uzbekistan “On Joint Stock Companies and Protection of Shareholders' Rights” and the Company's Charter.

33. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган ҳоллар бундан мустансно.

34. Each member of the supervisory board shall have one vote when matters are being resolved at the meeting of the supervisory board of the Company.

34. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

35. The chairman of the Supervisory Board of the Company has the right to a decisive vote in the event of a tie of votes of the members of the Supervisory Board.

35. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда кузатув кенгаши раисининг овози хал қилувчи овоз ҳисобланади.

36. The decision on the increase of the authorized fund of the Company and on making appropriate changes to the Charter shall be taken by the Company's Supervisory Board unanimously.

36. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш масалалари ва Уставга тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарорлар жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

37. The transfer of a vote by one member of the Supervisory Board of the Company to another member or to a third party is not allowed.

37. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига ёки учинчи шахсга беришига йўл қўйилмайди.

38. At the meeting of the Company's Supervisory Board, minutes of meeting shall be held. The minutes of meeting of the Supervisory Board shall be drawn up not later than ten days after its holding.

38. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

39. Minutes of meeting shall include:
- date, time and place of conduct;
- persons participating in the meeting, including remotely using information and communication technologies;

39. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:
- мажлис ўтказиладиган сана, вақти ва жой;
- мажлисда иштирок этадиган, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб иштирок

этадиган шахслар;

- meeting agenda;
- issues put to vote, results of voting on them;
- decisions made.

- мажлис кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

40. Minutes of the meeting of the Company's Supervisory Board shall be signed by the members participating in the meeting, and they are responsible for the correctness of minutes of meeting.

40. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

41. The minutes of meeting of the Supervisory Board of the Company shall be submitted for execution to the director of the Company on the day of its signing. In the event that the Supervisory Board makes a decision to convene a General Meeting of Shareholders, information on this decision shall be passed to the director of the Company on the day of the meeting of the Supervisory Board.

41. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

42. Decisions of the supervisory board of the society can be adopted unanimously by all members of the supervisory board of the society by absentee voting (by poll).

42. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

43. If technical means render it possible to identify members of the Supervisory Board and other equipment, the meetings of the Supervisory Board can be held in videoconference mode.

43. Кузатув кенгаши иштирок этиши учун техник воситалар мавжуд бўлган тақдирда, Кузатув кенгашининг мажлислари видеоконференцалоқа тизми орқали ўтказилиши мумкин.

## VI. Rights and obligations of members of the supervisory board

## VI. Жамит Кузатув Кенгаши аълоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

44. The member of Supervisory Board is entitled to:

- participate personally in the meeting of the Supervisory Board, to speak on the issue discussed at the meeting within the time allotted by the inner procedures;
- receive information about the activities of the Company for a certain period of time, plans for its development;
- receive remuneration and (or) compensation of expenses for work in the Supervisory Board in accordance with the procedure established by the Legislation and internal documents of the Company;
- have other rights stipulated by the Legislation and the Charter of the Company;
- From among the members of the supervisory board of the company, committees may be created to consider the most important issues and make recommendations to the supervisory board.

The composition of the committee is formed from the members of the supervisory board, the executive body, employees of the society and other involved experts.

Formation of committees and their working order, number and composition are determined in the regulation on the supervisory board of the Company.

44. Кузатув Кенгаши аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Кузатув кенгаши мажлисида шахсан иштирок этиш, мажлисда муҳокама қилинган масала юзасидан регламентда белгиланган муддатларда сўзга чиқиш;
- жамиятнинг маълум даврдаги фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисида маълумот олиш;
- қонун хужжатларида ва жамиятнинг ички хужжатларида белгиланган тартибда Кузатув Кенгашидаги иш хақи ва (ёки) харажатлари учун компенсация олиш;
- қонунда ва жамият Уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга.
- Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва жамиятнинг кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун кузатув кенгаши аъзолари орасидан қўмиталар ташкил этилиши мумкин.

Қўмита таркибига кузатув кенгаши аъзолари, ижроия органи, жамият ходимлари ва бошқа жалб қилинган экспертлар жалб этилиши мумкин.

Қўмиталарни шакллантириш ва уларнинг ишлаш тартиби, сони ва таркиби жамиятнинг кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда белгиланади.

45. The member of the Supervisory Board is obliged to:
- A member of the supervisory board who is an affiliated person must notify the Company of his affiliation with the Company by sending a written notification indicating the information about the pending transaction, including information about the persons participating in the transaction, the subject of the transaction, and the important terms of the relevant contract.

45. Кузатув кенгаши аъзосининг мажбуриятлари:
- Аффилланган шахс бўлган кузатув кенгаши аъзоси Жамият билан битим тузишда ўзининг аффиллланганлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумоларини, тегишли шартноманинг муҳим шартларини кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали Жамиятни хабардор қилиши шарт.

- The members of the Supervisory Board, in exercising their rights and fulfilling their obligations, must act in good faith in the interest of the society, and not disclose the confidential information known to them, the documents of the society constituting a trade secret.
- other obligations stipulated in legal documents and the Charter of the society.
- Other obligations stipulated in legal documents and the Charter of the society.

- Кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб виждонан иш тутиши, уларга маълум бўлган махфий маълумотларни ватижорат сирини ташкил этувчи жамият хужжатларини ошкор қилмасликлари лозим.
- қонун хужатларида ва жамият Уставида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар.

46. Members of the Supervisory Board are not entitled to use the opportunities of the Company (property or non-property rights, business opportunities, information about the activities and plans of the Company) for personal enrichment purposes.

46. Кузатув Кенгаши аъзолари жамият имкониятларидан (мулки ва номулкий хуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, жамият фаолияти ва режалари тўғрисидаги маълумотлар) шахсий бойиши учун фойдаланишга хақли эмас.

## VII. Liability of members of the supervisory board

47. Members of the Supervisory Board of the Company in the exercise of their rights and the performance of their duties shall act in the Company's interest and bear responsibility to the Company in accordance with the law and the Charter of the Company.

48. In the event that several persons are liable, their liability to the community shall consider solidary.

49. The members of the Supervisory Board who did not take part in voting or voted against the decision that caused damages to the Company, are not liable, except in cases stipulated by Article 90 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On Joint Stock Companies and Protection of Shareholders' Rights".

## VII. Кузатув Кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги

47. Жамият кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари ҳамда қонун хужжатларига ва жамият Уставига мувофиқ жамият олдида жавобгар бўлишлари шарт.

48. Агар бир неча шахс жавобгар бўлса, улар жамият олдида солидар жавобгар бўлади.

49. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди, бундан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 90-моддасида белгиланган ҳоллар мустасно.

## VIII. Procedure for determining the remuneration amount of members of the supervisory board

50. The independent members of the Supervisory Board are paid remuneration.

51. The amount of remuneration (at the rate of 1 member of the Supervisory Board for 1 calendar month) shall be determined as USD 1 500 (at the Central Bank rate on the day of payment) after withholding all taxes and deductions.

## VIII. Кузатув Кенгаши аъзоларининг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш тартиби

50. Кузатув Кенгашининг мустақил аъзосига хақ тўланади.

51. Кузатув Кенгашининг ҳар бир мустақил аъзоси учун 1 календар ой учун тўланадиган хақ барча солиқлар ва ажратмалар чегириб ташланганидан кейин 1500 АҚШ доллари миқдорида (тўлов кунидаги Марказий банк курси

бўйича) белгиланади.

52. When determining the remuneration, the account department of the Company makes deductions of income tax and other charges in accordance with the current Legislation. Remuneration not received shall be deposited in accordance with the established order.

52. Иш ҳақини ҳисоблашда жамиятнинг ҳисобхона бўлими амалдаги қонунчиликка мувофиқ даромад солиғи ва чегирмаларни ушлаб қолади. Олмаган мукофот белгиланган тартибда депозитга ўтказилади.

53. In addition to the remuneration paid to the members of the Supervisory Board in the amounts established by the Regulations, other payments may be made by the decision of the General Meeting of Shareholders at the expense of the Company's net profit.

53. Жамиятнинг соф фойдасидан жамият Кузатув Кенгаши аъзоларига акциядорларнинг умумий йиғилиш қарорига мувофиқ бошқа тўловлар ҳам амалга оширилиши мумкин.

## IX. Final provisions

## IX. Якуний қоидалар

54. This Regulation shall enter into force on the date of its approval by the general meeting of shareholders.

54. Мазкур Низом акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган кундан кучга киради.

55. Responsible for ensuring the members of the Supervisory Board with the necessary materials, as well as for the relationship with shareholders and investors, are the Corporate Relations Department, a securities specialist or a corporate consultant.

55. Кузатув Кенгаши аъзоларини зарур материаллар билан таъминлаш, шунингдек, акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро муносабатлар учун акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими ёки қимматли қоғозлар бўйича мутахассис ёки корпоратив маслаҳатчи жавобгардир.

56. A Company or a shareholder (shareholders) owning in aggregate at least one percent of the Company's placed shares are entitled to apply to the court with a claim against a member of the Supervisory Board for compensation of losses caused to the Company.

50. Жамият ёки жамият жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

57. In case if certain articles of the present Regulations come in conflict with the current Legislation of the Republic of Uzbekistan and / or the Charter of the Company, these articles shall be found invalid and the issues covered by these articles shall be regulated by the regulations of the current Legislation of the Republic of Uzbekistan and/or the Charter of the Company until the relevant amendments are made to the Regulations.

57. Агар Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва (ёки) Жамият Уставига зид бўлса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалаларда Низомга тегишли ўзгартириш киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва (ёки) Жамият Устави нормалари амал қилади.